



## ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ ЧЕГАРАЛАШ

**Бобомуродов Фарход Боймуротович**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
Академияси тезкор-қидирув фаолияти кафедраси  
мустақил изланувчиси, Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори  
(PhD) E-mail: farhod86b@mail.ru  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8164479>

### ARTICLE INFO

Received: 10<sup>th</sup> July 2023

Accepted: 15<sup>th</sup> July 2023

Online: 19<sup>th</sup> July 2023

### KEY WORDS

Тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлари, ваколат, чегара, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар.

### ABSTRACT

Мақолада Украина Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонун нормаси билан Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” қонунинда назарда тутилган нормалар таҳлил қилиниб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунигаилмий асослантирилган таклифлар билдирилган.

Ўзбек тилининг луғатида *ваколат* [арабча – вакиллик, ҳуқуқдорлик] Бирор шахс, муассаса, ташкилот, давлат ва ш.к. номидан иш қилиш учун берилган ҳуқуқ, вакиллик ҳуқуқи[1] *чегара* – икки орани, чегарани белгиламоқ; чегара билан ажратмоқ[2] мазмунида изоҳ берилган.

*Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ваколатларини чегаралаш деганда* тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларни қонунда белгиланган ваколоти доирасида судга қадар иш юритиш босқичида тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширилишига айтилади.

Ушбу масалада айрим давлатларнинг ТҚФ тўғрисидаги қонун нормаси ўрганилганида қуйидагилар намоён бўлди. Хусусан, Украина Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” қонунинда: “тезкор-қидирув ишлари қуйидаги ҳолларда: а) жиноий ҳуқуқбузарлик содир этишга тайёргарлик кўраётган номаълум шахсларга, шунингдек, судгача тергов органларидан, суд терговчисидан, суддан яширинган ёки жиноий жазони ўташдан бош тортган шахсларга нисбатан – жиноий жавобгарликка тортиш ёки айблов ҳукмини ижро этиш муддати тугамаганда; б) махсус шароитларда, шу жумладан, қуролли можаролар, ҳарбий ҳаракатлар, давлат ичидаги тартибсизлар, табиий ёки техноген фавқулодда вазиятлар, одамларнинг оммавий ўлимига олиб келиши мумкин бўлган бошқа ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда бедарак йўқолган шахсларга нисбатан – улар танасини бўлаклари жойлашган жойи, дафн этилган жойи аниқлангунигача қадар; в) жиноий-ҳуқуқбузарлик содир этишга тайёргарлик кўришда иштирок этиш тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган шахсларга нисбатан –



Украина Жиноят кодексида назарда тутилган, аммо олти ойдан кўп бўлмаган ноқонуний хатти-ҳаракатлар тўғрисида фактик маълумотларни аниқлаш ва қайд этиш орқали; г) террористик фаолиятда, террористик гуруҳда ёки террористик ташкилотда иштирок этганлиги ёки иштирок этганлиги тўғрисида далиллар мавжуд бўлган шахсларга нисбатан, шунингдек террористик гуруҳ ёки террористик ташкилотни ташкил этишда моддий, ташкилий ёки бошқа жиҳатдан ёрдам берганлик учун 5 йил муддатга амалга оширилиши; шахснинг оғир ёки ўта оғир жиноятни тайёрлашда иштирок этганлиги тўғрисида тезкор-қидирув ишини олиб бориш жараёнида олинган маълумотлар мавжуд бўлганда, миллий полиция Марказий органи аппарати, Украина хавфсизлик хизмати Марказий бошқармаси, Давлат тергов бюроси директори ёки унинг ваколатли ўринбосари, Украина иқтисодий хавфсизлик бюроси директори ёки унинг ваколатли ўринбосарлари, Украина иқтисодий хавфсизлик бюросининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи ёки унинг ваколатли ўринбосарлари, Миллий полициянинг ҳудудий (шу жумладан минтақалараро) органлари раҳбарлари ёки уларнинг ўринбосарлари, Украина хавфсизлик хизматининг минтақавий органлари ва ҳарбий контрразведка органлари, давлат сиёсатини амалга оширувчи Марказий ижро этувчи ҳокимият разведка бошқармаси Украина давлат чегарасини ҳимоя қилиш соҳасида Марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳудудий органлари, давлат чегараларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш, Украина Давлат чегара хизмати раиси, Украина ташқи разведка хизмати раиси, Украина коррупцияга қарши Миллий бюроси директори, Украина Мудофаа вазирлиги разведка агентлиги раҳбари ёки уларнинг ўринбосарлари, Давлат жазони ижро этиш хизматининг таркибий бўлинмаси раҳбари ёки унинг ваколатли ўринбосари Бош прокурор, вилоят прокуратураси раҳбарлари, уларнинг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари билан келишилган ҳолда ишни юритиш муддати Миллий полиция раиси ёки унинг ваколатли ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари томонидан 12 ойгача узайтирилиши мумкинлиги; ушбу қонуннинг 8-моддаси тўртинчи қисмида ва “Контрразведка фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддаси иккинчи қисмининг 7-бандида назарда тутилган чора-тадбирлар амалга ошириладиган тезкор-қидирув ишини юритиш муддатини узайтириш прокурорнинг розилигисиз амалга оширилиши; Миллий полиция раиси, Украина хавфсизлик хизмати раиси, Давлат тергов бюроси директори, Украина иқтисодий хавфсизлик бюроси директори, шунингдек, Украина Давлат чегара хизмати раиси, Украина ташқи разведка хизмати раиси, Украина коррупцияга қарши Миллий бюроси директори, Украина Мудофаа вазирлиги разведка органи раҳбари, Украина Давлат жазони ижро этиш хизмати раҳбари ёки унинг ваколатли ўринбосари ва Украина Давлат хавфсизлик бошқармаси бошлиғи Бош прокурор ёки унинг ўринбосари билан келишилган тезкор қидирув ишини олиб бориш муддатлари узайтирилиб, узоғи 18 ойдан ошмаслиги; ушбу қонуннинг 8-моддаси тўртинчи қисмида ва “Контрразведка фаолияти тўғрисида” ги қонуннинг 6-моддаси иккинчи қисмининг 7-бандида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишда тезкор-қидирув ишини юритиш муддатини узайтиришда прокурорнинг розилигисиз амалга оширилиши; Украина хавфсизлик хизмати раиси, Украина ташқи разведка хизмати раиси, Украина Давлат чегара хизмати раиси, Украина Мудофаа вазирлиги разведка агентлиги раҳбари,



Украина Давлат чегара хизмати раиси билан келишилган ҳолда. Украинага қарши разведка ва қўпурувчилик фаолиятига, террорчилик ҳаракатларга тайёрланаётган ёки содир этишда гумон қилинган чет элликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан тезкор-қидирув ишини ўтказилишини 18 ойдан ортиқ муддатга узайтириш Бош прокурорнинг рухсати асосида амалга оширилиши; тезкор-қидирув ишини юритиш муддатини ҳисоблаш тегишли орган раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан ишни ташкил этиш тўғрисидаги қарор тасдиқланган кундан бошланиб, тезкор-қидирув ишини тугатиш тўғрисида қарор тасдиқланган кундан бошлаб тугаши; агарда тезкор-қидирув иши юритилаётган шахс Украина ҳудудини вақтинча тарк этган бўлса ёки оғир касал бўлса ва унга қарши тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш имконияти мавжуд бўлмаса, тезкор-қидирув иши муддатини ҳисоблаш тўхтатилиши; тезкор-қидирув иши юритиш муддатини ҳисоблашни тўхтатиш ва тактикаси тўғрисида тегишли орган бошлиғи ёки уни ўринбосари томонидан тасдиқланадиган асослангандиган қарор чиқарилиши”(9<sup>1</sup>-м)”[3] мазмунидаги қоидаларнинг белгилангани, 4 та ҳолатларда тезкор-қидирув ишлари амалга оширилиши; ваколатли давлат органлари тезкор бўлинмалари раҳбари ёки унинг ўринбосари тасдиқланган қарор асосида тезкор-қидирув ишлари 6 ойдан 18 ойгача, айрим ҳолларда Бош прокурорнинг рухсати билан қидирув ишини юритиш муддати 18 ойдан ҳам ортиқ муддатга узайтирилиши мумкинлиги маълум бўлди.

*Қозоғистон, Россия, Қирғизистон, Литва, Тожикистон, Молдова ва Беларусь* каби ТҚФ тўғрисидаги қонунларида ваколатларнинг чегараланиши ҳақида алоҳида норма мавжуд эмаслиги ўрганишлар жараёнида маълум бўлди.

*Ўзбекистон Республикасининг* “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” қонунда:“ суриштирув ва тергов органлари иш юритувида бўлган жиноят ишлари бўйича тезкор-қидирув тадбирлари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг [43](#) ва [46<sup>1</sup>-бобларида](#) назарда тутилган терговга тегишлиликка мувофиқ ўтказилиши; прокуратура органлари ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тоифасига кирмайдиган суриштирув ва дастлабки тергов органлари иш юритувида бўлган жиноят ишлари бўйича тезкор-қидирув тадбирлари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан суриштирувчининг, терговчининг ёзма топшириғи, прокурорнинг кўрсатмаси ва топшириғи асосида ўтказилиши; ушбу қонуннинг [15-моддасида](#) кўрсатилган асослар мавжуд бўлганда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини қонунчиликка мувофиқ ўтказиши” (11-м)”[4] каби қоидаларнинг белгилангани, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ваколатларини чегаралаш ушбу қонун ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексни нормалари асосида тартибга солинганлигини кўрсатмоқда.

Тадқиқот иши доирасида ўрганилган айрим давлатлар “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун моддалари мазмунида назарда тутилган тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ваколатларини чегаралаш масаласини ўрганиш асосида *биринчидан*, Украина(9<sup>1</sup>-м) ТҚФ тўғрисидаги қонунига кўра, 4 та ҳолатда тезкор-қидирув ишлари амалга оширилиши; *иккинчидан*, ваколатли давлат



органлари тезкор бўлинмаларининг раҳбарлари ёки унинг ўринбосари тасдиқланган қарор асосида тезкор-қидирув ишлари 6 ойдан 18 ойгача, айрим ҳолларда Бош прокурорнинг рухсати билан қидирув ишини юритиш муддати 18 ойдан ҳам ортиқ муддатга узайтирилиши; *учинчидан*, Қозоғистон, Россия, Қирғизистон, Тожикистон, Беларусь каби давлатларнинг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”, Литва Республикасининг “Тезкор фаолияти тўғрисида”, Молдова Республикасининг “Махсус-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунларида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ваколатларининг чегараланиши ҳақида нормалар мавжуд эмаслиги; *тўртинчидан*, Ўзбекистон ТҚФ тўғрисида қонун нормасида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ваколатларини чегаралаш ушбу қонун ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексни нормалари асосида тартибга солинганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексни 39<sup>1</sup>-моддасида 14 та терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг рўйхати белгиланган бўлиб, шулардан 7 таси (Ички ишлар органлари, давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, давлат божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментини бўлинмаси) *тезкор-қидирув тадбирларини* ўтказишга ҳақли эканлиги ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган. Қолган 7 та терговга қадар текширув органлари (ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртларининг бошлиқлари; Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов ҳибсхоналари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари; Давлат ёнғиндан назорат қилиш органлари; чегарани қўриқлаш органлари; олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари; Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари; Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари) *фақатгина терговга қадар текширувни* амалга ошириб, жиноят ишини қўзғатишга ёки иш қўзғатишни рад этишга ёхуд аризани, хабарни терговга тегишлилигига кўра ўтказиш (39<sup>2</sup>-м 1-қ.); терговчи, суриштирувчи юритаётган иш бўйича айрим процессуал ҳаракатларни ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги топшириқларини бажариш ҳамда терговчига, суриштирувчига процессуал ҳаракатларни бажаришида кўмаклашиш (39<sup>2</sup>-м 4-қ.) каби мажбуриятлар юклатилган.

Маълумки, ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари жазони ижро этиш муассаларида ҳам фаолият кўрсатиб, тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириши мумкин. Лекин ЖПК 39<sup>1</sup>-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов ҳибсхоналари, турмаларнинг бошлиқлари терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг раҳбари сифатида қўл остидаги мансабдор шахсга жиноятнинг олдини олиш ёки унинг содир этилишига йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда



гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни қидириб топиш ҳамда жиноят туфайли етказилган мулкий зарарнинг ўрни қопланишини таъминлаш юзасидан топшириқ бериши (39<sup>2</sup>-м 3-қ.) ваколоти кўрсатиб ўтилган бўлиб, қонун нормасида бошлиқнинг қўл остидаги мансабдор шахс тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш ваколотига эга бўлган жазони ижро этиш муассаси тезкор бўлинмаси ходимлари назарда тутилмоқда. Демак, терговга қадар текширув вақтида ҳам тезкор-қидирув тадбирларини ўтказилиши ЖПК бўйича мумкинлигини инобатга олган ҳолда, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган раҳбарини тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга ёзма топшириқ бериш ваколотивини жиноят-процессуал қонунчиликка киритилишини лозим деб ҳисоблаймиз. Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 39<sup>2</sup>-моддаси 1-қисмини қуйидаги мазмунида баён этиш:

“Ушбу Кодекснинг 39<sup>1</sup>-моддасида санаб ўтилган ҳар бир органнинг раҳбарлари терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг бошлиғи сифатида ҳаракат қила туриб, терговга қадар текширувни бошлашга ёки ўзига бўйсунувчи бошқа мансабдор шахсга уни юритишни топширишга, жиноят ишини кўзғатишга ёки иш кўзғатишни рад этишга ёхуд аризани, хабарни терговга тегишлилигига кўра ўтказишга, *ваколоти доирасида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга сўров юборишга ҳақлидир. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар сўровда кўрсатилган муддат ичида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказилганлиги ҳақида маълумотнома юбориши шарт*”;

Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги мазмунида баён этиш:

“*Терговга қадар текширув органларининг иш юритувидаги материаллари бўйича тезкор-қидирув тадбирлари ушбу орган раҳбарининг сўрови, шунингдек суриштирув ва дастлабки тергов органлари ҳамда прокуратура органлари иш юритувида бўлган жиноят ишлари бўйича тезкор-қидирув тадбирлари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан суриштирувчининг, терговчининг ёзма топшириғи, прокурорни кўрсатмаси ва топшириғи асосида ўтказилади.*”;

Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддаси учинчи қисмини қуйидаги мазмунида баён этиш:

“Ушбу Қонуннинг [15-моддасида](#) кўрсатилган асослар мавжуд бўлганда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини *идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда ва муддатда ўткази*ди”.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ва “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари мазмунига киритилаётган ўзгаришларни қуйидагича асослаймиз:

*биринчидан*, ЖПКнинг 39<sup>2</sup>-моддаси биринчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган қоидаларга биноан терговга қадар текширувни амалга оширувчи раҳбар, бўйсунувидаги мансабдор шахс (ТҚФни амалга оширувчи тезкор бўлинма ходими)га топшириқ бериш ваколоти кўрсатилган бўлиб, тезкор-қидирув фаолиятининг вазифасини самарали, ижобий ҳал этишда ҳамкорлик ишларини амалга оширишда терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган раҳбарига ваколоти доирасида



ТҚФни амалга оширувчи органларга *сўровлар* юбориш ваколатини Жиноят-процессуал қонунчилик нормасига киритилишини лозим деб ҳисоблаймиз;  
*иккинчидан*, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексни 39<sup>1</sup>-моддасида 14 та терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг рўйхати белгиланган бўлиб, ушбу органлар раҳбарлари ваколати доирасида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга *сўровлар* юбориш орқали юритувидаги иш материаллари бўйича қонуний қарорлар қабул қилиш учун зарур маълумотларни тўплаши мумкин. Масалан: 1) Давлат солиқ қўмитасининг Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимлари иш юритувидаги терговга қадар текширув материаллари бўйича ҳуқуқбузар шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросида мавжуд қарздорликка оид маълумотларни тақдим этиш ҳақида (*маълумотлар тўплаш тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш ва бошқ.*) *сўровлар* юбориб, иш юзасидан қонуний қарор қабул қилиш учун зарур маълумотлар тўпланади (*Амалиётда шундай ҳаракатлар сўровсиз амалга ошириб келинмоқда*); 2) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов ҳибсхоналари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари маҳкумларнинг аризасига кўра, терговга қадар текширув вақтида ҳудудий ички ишлар органларидан тегишли (*турар жойларни, бино ва иншоотларни, жойнинг участкаларини тезкор текшириш, маълумотлар тўплаш каби*) тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш орқали маълумотларни тўплаши мумкин. Амалиётда ушбу тадбирларни амалга оширишда албатта *сўров* юборилгандан сўнг тегишли маълумотлар тўпланишини мисол келтириш мумкин. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддаси иккинчи қисмига “*терговга қадар текширув орган раҳбарининг сўрови*” қонунини киритилиши лозим;

*учинчидан*, хориж давлатлар қонунчилик тажрибаси жумладан, Беларусь (35, 40, 41, 42, 43-м); Қирғизистон(11-м); Қозоғистон (12, 16-м); Украина (9<sup>1</sup>-м)ТҚФ тўғрисидаги қонунлари, Молдова Республикасининг “Махсус-қидирув фаолияти тўғрисида”ги (20-м) қонунида тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишнинг муддати белгиланган. Бизнинг қонунчиликда ушбу масала тартибга солинганмаган. “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонундаги ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш учун Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддаси учинчи қисмига “*идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда ва муддатда*” қонунини киритишни лозим деб ҳисоблаймиз.

## References:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. И. В – Тартибли / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.437.



2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV. Ч – Тартибли / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт инти. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.472.
3. Закон Республики Украины от 18 февраля 1992 г. № 2135-XII «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://online.zakon.kz>. (мурожаат вақти: 22.04.2023).
4. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги 344-сон “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни // Электрон манба: <https://lex.uz/> (мурожаат вақти: 18.05.2023).